

Қуръон ҳомилининг сифатлари



14:30 / 06.11.2021 1918

- Хушфеълли, карамли бўлади.
- Солиҳлар, хайр аҳли ва мискинларга тавозели бўлади.
- Хотиржам, сокин ва виқорли бўлади.
- Қуръонни тирикчилик манбаи қилиб, уни касб тутмаган бўлади.
- Шарафли бўлади.
- Золим, жабр-зулмли инсонлардан ўзини юқори тутлади.
- Қуръон ман этган қайтарган барча нарсалардан ўзини сақлайди.
- Дунё учун ўзини пастга уриш, хорлашдан сақланган бўлади.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, у зот деди:
«Қуръон ҳомилига қуйидагилар лозимдир:

Инсонлар уйқудалигида тунига эътиборли бўлиш.

Инсонлар еб-ичиб юрганларида кундузисига эътиборли бўлиш».

Яъни қиёми лайл, таҳажжуд каби нафл намозларга, кундузлари эса нафл рўзаларга риоя этиш.

